
**Туман ҳокимининг Халқ қабулхонасида фуқаролар қабули
Риштон туман ҳокими С. Солиев бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг
тумандаги Халқ қабулхонасида фуқароларни навбатдаги қабулини ўтказди.**

Қабул жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси мудирини, туман ҳокими ўринбосарлари, тегишли ташкилот раҳбарлари ва маъсуллар иштирок этдилар.

Ўтказилган қабулда фуқаролар иш билан таъминланиш, ижтимоий ёрдам, уй-жой таъмири, ижтимоий ёрдамга мухтожлар учун белгиланган уй-жой олиш, тадбиркорлик қилиш учун ер майдони ажратиш, моддий ёрдам, моддий ёрдам, боласи учун нафақа пулларини олиш, йўл, электр ва сув таъминоти, тиббий-ижтимоий ёрдам ва бошқа ўзларини қийнаётган масалалар бўйича муурожаат қилишди.

Муурожаатлар тегишли тартибда мутахассислар ва ҳоким ўринбосарларига йўналтирилиб, ечим топилган муурожаатлар жойида ҳал этилди.

Аҳоли муурожаатлари билан ишлашнинг янги тизимини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида: жойларда фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг қандай амалга оширилаётганини баҳоловчи ўзига хос мезон ҳамдир. Жамиятда фуқароларнинг муурожаатларига доимий эътибор ниҳоятда муҳим масаладир. Чунки фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги қанча юқори бўлса, жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган муаммолар шунча тез бартараф этилади. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, мансабдор шахсларга, фуқаролик жамияти институтлари вакилларига қилаётган муурожаатлари эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Барча муурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди, ечими топилган муурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим муурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди. Муддат талаб этилувчи муурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

2021-08-03 16:05:19